O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 24 январь, № 15 (3814) Сешанба


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида

2006 йилнинг юртимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидаги масалалар "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакат бўйича, минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интернат-уйларида, "Меҳрибонлик" уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини яхшилаш;

ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисмини қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг холисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш;

жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш;

тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш.

2. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун- моҳиятини аниқ белгилайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизимини яратишни назарда тутадиган "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин;

икки ҳафта муддатда "Тиббиёт ходимлари куни" касб байрамини таъсис этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Мирзиёев):

нодавлат ташкилотлари, биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бизнес, фирмалар, компаниялар, халқаро хайрия тузилмаларининг вакилларини ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастур доирасида чекланиб қолмасдан, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир аҳоли пункти, туман, шаҳар ва идоралар бўйича "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини таъминласин;

давлат бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастур бўлимлари ҳамда бандларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин ҳамда Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, оммавий ахборот воситалари "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурининг мақсади ва аҳамиятини очиб бериш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, унда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши, шу жумладан, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик ғоялари мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, савобли ишларни амалга ошираётган фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг қўшаётган ҳиссалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 23 январь.



# АЁЗ

*Табиат яна инжиқликларини бошлади. Европада ёз одатдагидан анча иссиқ келиб, кўплаб одамларнинг силласини қуритган эди. Қиш ҳам ўз «ҳунари»ни кўрсатди. Шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга эътибор қилсангиз, ҳавонинг кескин совиб кетиши ва бундан қандай азият чекилаётганидан воқиф бўласиз.*

## дунё аҳлининг қишга тайёргарлиги ва иродасини синаб кўрмоқда

Японияда ҳаддан зиёд кўп қор ёғиши юз нафардан кўпроқ кишининг умрига зомин бўлди. Айни кунларда Европа мамлакатлари ва Россия Федерациясида совуқ авжига чиққан. Россиянинг айрим ҳудудларида термометр — 50 даражадан ҳам пастга тушиб кетган. Аммо ҳамма ҳам табиатнинг бу «эркалигини» кўтара олмаяпти. Кўплаб қишлоқ ва шаҳарлардаги иссиқлик тизими, электр тармоқлари совуққа дош бера олмай ишдан чиққан. Москвада электр энергиясидаги тақчилликни бартараф этиш учун шаҳар кўчаларидаги барча чироқли рекламалар ўчириб қўйилди. Кўплаб завод ва фабрикаларда иш тўхтатилди. Айрим туманларда ҳарбий қисмларнинг кўчма электр станцияларидан фойдаланила бошланди.

Албатта, бу совуқ ҳаво оқими бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Юртимизнинг шимолий туманларида кечалари ҳаво ҳарорати — 25-30 даражани ташкил этмоқда. Хўш, мамлакатимизда табиатнинг бу «синови» қандай кутиб олинди? Фуқароларимизни совуқдан ҳимоя қилиш учун нима ишлар қилинмоқда? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида Нукус ва Урганч шаҳарларига қўнғироқ қилдик.



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари Ғофуржон Ражабовнинг таъкидлашича, айрим кунлари ҳарорат Нукусда — 29, Уст-Юрт ва баъзи шимолий туманларда эса — 35 даражани ташкил этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

### Анжуман

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат органлари ва манфаатдор шахсларга самарали таъсир кўрсатиш усулларини излаш, ҳаётга татбиқ қилиш орқали жамиятимизни демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнига кўмаклашади.***

## Мулкдор ҳуқуқлари муҳофазаси

Кеча пойтахт ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш парламент Омбудсмани томонидан Тошкент шаҳар Яккасарой туманида турар жой мулкдорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича ўтказилган мониторинг натижаларининг муҳокамасига бағишланди. Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев ва парламент Омбудсмани С.Рашидова, сенаторлар, турли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда пойтахт фаоллари иштирок этган йиғилишда мазкур туманда ўтказилган мониторинг натижалари, хусусан, уй-жой коммунал хизмати тизими мутахассислари ва УЖМШлар мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, ширкатлар фаолиятини янада жонлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, УЖМШларнинг жойлардаги давлат органлари, маҳаллалар билан муносабати, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Яккасарой тумани ҳокимлиги ва унинг бошқармалари, ширкатлар ассоциациялари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлари тингланди.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

## ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН «ОЛТИН ҚАЛАМ» ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

"Олтин қалам" халқаро танлови Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, у миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази танлов ташаббускорлари бўлиб, у ҳар йили ўтказилади. Танлов натижалари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.

Танлов турли номинацияларда маҳаллий ОАВ — телевидение, радио, матбуот (охиргиси интернет-журналистикани ҳам ўз ичига олади) ходимлари ўртасида ўтказилади. Битта номинация эса чет эллик журналистлар учун мўлжалланган. Танловда қатнашиш учун буюртмалар ОАВ жамоаларидан, ижодий уюшмалардан, журналистика йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлардан (даъвогар биттадан ортиқ бўлмаслиги керак), шунингдек, мустақил журналистлардан қабул қилинади.

"Олтин қалам" танловини ҳар йили ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва танлов ғолиби учун мукофотлар давлат бюджети ҳамда республикадаги, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

(Давоми 2-бетда).

### Воқеа арафасида

***Кейинги йилларда ёшларимиз яратиб берилаётган қулай шарт-шароит туфайли турли соҳаларда муваффақият қозониб, республикамиздан ташқарида ҳам танилмоқдалар.***

## Истеъдодларга рағбат

*Жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим масканлари ҳамда ижодий жамоаларнинг 67 нафар талабаси қатор халқаро фестиваль ва танловлар ғолиби бўлди. 2004 йили Москвада бўлиб ўтган "Ўз келажагингни ўзинг ярат" деб номланган халқаро эстрада танловининг бош соврини — Гран-прига ҳамюртимиз Карина Тимофееванинг сазовор бўлгани ҳаммамиз учун қувончлидир. Шунингдек, Тошкент давлат консерваторияси талабаси, "Ниҳол" мукофоти совриндори Абдумалик Абдуқаюмов ўша йили опера ижрочиларининг Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро*

(Давоми 2-бетда).

### «Асака» банки:

## КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Республикамиз ҳукумати томонидан мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини кескин кўпайтириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонликни таъминлашдаги асосий "бўғин"ни шакллантириш муҳим йўналиш этиб белгиланган. Бу борада, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда улар кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мойил бўлиб, маҳсулот турларини янгилашга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, шу билан бирга, бозор конъюнктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослашувчандир.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилган. Бу, ўз навбатида, давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банкига ҳам уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини оширишга катта имкон бермоқда. Шу мақсадда банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, аваламбор, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринларини барпо қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳозирги даврда банкнинг асосий стратегик мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали республикамиз иқтисодиётида ўз муносиб ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир. 2005 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда банк хизматлари тезкорлигини таъминлаш учун қўшимча 25 та мини банк ва чакана банк хизматлари кўрсатиш маркази очилди. Яна қўшимча 2 та банк филиалини очиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Айни чоғда банкнинг республикамиз ҳудудида жойлашган 27 филиали, 71 мини банки ва чакана банк хизматлари кўрсатиш маркази орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

### АНОНС

## Тоҳир Малик солиқ ҳақида



Иқтисод фанлари доктори, профессор Тоҳир Маликовнинг илмий-педагогик фаолиятида солиқ мавзуи алоҳида ўрин тутади. Давлат бюджетининг муҳим манбаси ҳисобланган солиқ тизимининг жаҳон амалиётида асосланган тамойиллари нималардан иборат, мамлакатимизда бу соҳадаги ислоҳотлар қандай самара бермоқда — булар олим тадқиқотларининг бош лейтмотивидир.

Газетамизнинг ички саҳифаларида ихтиёрингизга ҳавола этилаётган «Солиқ юки» мақоласида Т. Маликовнинг қарашлари ўзига хос тарзда баён этилган. Ушбу чиқишда баҳсли ўринлар бўлса, газета ўзгача фикрларга ҳам минбар беришини маълум қилади.



### Бевосита мулоқот

## СИЗНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли Қарорини амалга ошириш тадбирлари, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқ таълими ходимлари касб маҳоратини доимий оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида, соҳага оид сизни қизиқтирган бошқа саволларингизга «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари таҳририяти ташаббуси билан уюштирилган бевосита мулоқотда

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон ЖЎРАЕВ жавоб беради.***

***Бевосита мулоқот шу йил 31 январь куни соат 10.00 дан 12.00 гача 139-17-35, 136-36-36 телефонлари орқали ўтказилади.***

*Вазирга бермоқчи бўлган саволларингизни олдиндан таҳририятнинг 132-12-08 телефонига ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz электрон почта манзилига юборишингиз мумкин.*

# Ас-Саолибийнинг уч асари

Маълумки, Хоразм "Маъмун академияси"да илмий-ижодий фаолият билан шуғулланган қомусий аллома Абу Райҳон Беруний, машҳур математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ, кимёгар ал-Косий, тарихчи ибн Мисковайхлар қаторида файласуф, тарихчи, шоир ва адиб Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий (961-1038) ҳам бор эди. Унинг "Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср" ("Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси"), "Китоб латоиф ал-маориф" ("Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб"), Фиқҳ ал-луғат ва сирр ал-арабиййа", ("Тил қонуни ва араб тилининг сирлари") каби асарлари Ўрта ва Яқин Шарқда анча машҳур. Биз учун эса диққатга сазовор томони шундаки, бу манбалар Ўрта Осиё халқларининг тили ва адабиёти, тарихи ҳақида муҳим, қимматли маълумот беради.

Абу Мансур ас-Саолибийни, айниқса, дунёга танитган ва унга шуҳрат келтирган асари "Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси" ҳисобланади. Тўрт қисмдан иборат бўлган мазкур тазкирада X аср охири ва XI аср бошларида яшаб, араб тилида ижод қилган 415 нафар шоир ҳақида маълумотлар ҳамда уларнинг назмий ва насрий асарларидан намуналар келтирилган. Айниқса, Хоразмда яшаган ва шу ердаги "Маъмун академия"сида ижодий иш билан шуғулланган шоирлар ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар, асарларидан берилган намуналар адабий-тарихий аҳамиятга эга. Олимнинг яна бир асари — "Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб" Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари тили, кийим-кечаги, урф-одатлари, тартиб-қоидалар, маданият, савдо-сотиқ, илм-фан

**Маънавият дурдоналари**

ривожланган шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари, бу ҳудудларнинг обҳавоси, фойдали қазилмалари, қимматбаҳо тошлари, суви, ҳайвонот дунёси, қуш-паррандалари, зироатчилик, ҳунармандчилик, тарихий-этнографик, демографик ва адабий-лингвистик маълумотлар беради.

Саолибий ушбу асарида, масалан, Хоразм замини, аҳолисининг турмуш тарзи, "баранж" деган қовуни ҳақида ноёб маълумотлар қолдирганки, уларни бошқа бирор манбада учратмаймиз. У шундай ёзади:

*"Хоразм ўз муносабати, хусусиятлари ва савдо-сотиғи жиҳатидан Турк диёрига яқин туради. Хоразмга хос (нарса)лардан бири, у ерда баранж номи билан юритиладиган қовундир. Айтишларича, у қовунларнинг энг ширини ва яхшисидир. Уни музга ўраб, авваллари (халифа) ал-Маъмунга, кейин эса ал-Восиққа олиб боришган. Агар яхши сақланиб, етиб келса, бир донаси етти юз дирҳам турар экан. Хоразм Тангрининг энг совуқ жойларидан биридир. Ҳатто у ерда қишда Амударё музлайди ва унинг устидан фил, карвон ва аскарлар ўтади. Қирқ кундан икки ойгача музлаган ҳолда қолади".*

Ўттиз бобдан иборат, таниқли олим ва шоирларнинг қимматли фикрлари битилган, Ўрта Осиёда яшаган арабийнавис шоирларнинг ижод намуналаридан тузилган "Тил қонуни ва араб тилининг сири" ҳам жаҳондаги ноёб китоблардан ҳисобланади. У қадимий араб тили сўз бойлиги, грамматикаси, луғати, машҳур адиблари, шоирлари ва луғатшунослари меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда олимларимиз юқоридаги уч асардан тарихий манба сифатида фойдаланишлари ва шу асосда ўзбек халқининг этногенези, этнографияси, топонимияси, адабий-лингвистик бойликлари тўғрисида бой маълумотларни ўрганишлари мумкин.

**Феруза АТАЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети магистранти.**

*Жорий йил мамлакатимиз енгил атлетикачилари Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва қатор нуфузли халқаро турнирларда иштирок этишади.*

## Спорт

# Осиё чемпионатига саралаш

Пойтахтимиздаги республика Олимпия захиралари коллежида ўтказилган мусобақа Таиланднинг Патайя шаҳрида ёпиқ спорт иншоотларида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига саралаш вазифасини ўтади. Унда Юлия Тарасова, Павел Андреев, Рифат Ортиқов, Светлана Радзевил, Надежда Дўсанова ва Замира Амировалар совринли ўринларни эгаллашди.

Айни пайтда терма жамоамиз аъзолари Москвада бўлиб ўтадиган Гран при туркумига кирувчи йирик халқаро турнирга ҳозирлик кўришмоқда. Турнирда иштирок этиш ҳуқуқини уч ҳатлаб сакраш бўйича Анастасия Журавлёва, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори Леонид Андреев ва яна бир иқтидорли спортчимиз Гўзал Хуббиевалар қўлга киритган.

# «Нефтчи» — кубок соҳиби



***МДҲ чемпионлари кубоги якунланди. 14-бор анъанавий тарзда ўтказилган мусобақа финалида Озарбайжон чемпиони "Нефтчи" ва Литванинг "Каунас" жамоалари ўзаро беллашдилар.***

Унда "Нефтчи" жамоаси литвалик футболчилардан ҳар томонлама устун эканликларини намойиш этиб, 4:2 ҳисобида зафар қучдилар.

Тўғрисини айтганда, "Нефтчи" финал йўлланмасига осон эришди. Чунки, уларнинг ярим финалдаги рақиби "Пюник"(Ереван) мусобақадан қатнашишдан бош тортганди. "Каунас" эса ярим финалда ЦСКА (Москва)ни катта қийинчилик билан, пенальтилар ҳисобига (5:4) мағлубиятга учратганди.

Нима бўлганда ҳам "Пахтакор"га ўзини оқлаш учун баҳона топилди. Чунки бош жамоамиз чорак финалда "Нефтчи"-га пенальтилар бўйича имкониятни бой берганди-да.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 573 очко билан 59 поғонадан жой олди.***

# ФИФА рейтинги

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, футболчиларимиз МДҲ клублари ичида фақат Россия (661 очко, 34-ўрин), Украина (629 очко, 40-ўрин) жамоаларидан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Биринчи учликни Бразилия (839 очко), Чехия (796 очко) ва Голландия (790) терма жамоалари банд этган.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Дангара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГ.
1662H/2404

(Давоми. Боши 1-бетда).




— Куннинг совиши одамларимизни унчалик ташвишга солаётгани йўқ, — дейди Ғ. Ражабов. — Чунки қишга пухта тайёргарлик кўрганмиз. Электр қуввати лимитдан кўп истеъмол қилинаётган бўлса-да, ҳозирча таъминотда узилишлар бўлгани йўқ. Шундай ҳол бўлса, етарли даражада кўмир заҳираси келтириб қўйилган. Тўғри, айрим хонадонларда уйни иситиш учун газни ёқиб қўйиш ҳоллари учраяпти. Натижада чекка туманларнинг айрим қишлоқларида газ босими бироз пасайган. Бу каби камчиликларнинг олдини олиш учун барча чоралар кўрилаяпти. Аҳолига мурожаат қилиб, иложи борича барча электр ва газдан тежаб фойдаланишни тавсия қилдик.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, куннинг кескин совиб кетиши туфайли Қорақалпоғистонда мактабларнинг 1—4 синфларида ўқиш вақтинча тўхтатилган эди. Кунлар илиши билан болалар яна мактабга қатнай бошлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл-патрул хизматидан олинган хабарда айтилишича, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Алоҳида ҳисобдаги жойларга йўлсозлар ва йўл-патрул хизмати вакилларидан иборат махсус гуруҳлар навбатчилик қилмоқда.

Маълумки, Қорақалпоғистонда чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликлар анчагина. Бугун чорвани очиқ далада қолдириш хавфли. Шу боис барча чорва моллари қишки манзилларига келтирилди. Уларга етарли даражада емиш жамғариб қўйилган.

Хоразм вилоятида ҳам қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўрилган. Жумладан, «Хоразмгазтаъминоти» корхонаси, «Иссиқлик манбаи», «Хоразм электр таъминоти» акциядорлик жамиятлари, «Туямўйин-Урганч» минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси ва уларнинг шаҳар ҳамда туманларидаги филиалларида доимий навбатчилик ташкил этилди. Ҳалокат бўлганда ишлайдиган тезкор таъмирлаш гуруҳларига махсус тарнспортлар ажратилди. Улар алоқа хизмати билан таъминланган.

Йўлларни қордан тозалаш учун қум, туз, транспорт ва ишчи кучи етарли даражада ажратилди. Корхона ва ташкилотларда, ижтимоий соҳа объектларида, касалхона ҳамда мактабларда доимий навбатчилик ташкил этилган. Газ босими камайиб кетганда ёки электр таъминотида узилиш содир бўлганда фойдаланиш учун вилоят бўйича 400 тонна кўмир заҳираси тайёрлаб қўйилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам қишга пухта тайёргарлик кўрилгани учун қиш беталафот ўтмоқда, аҳолини табиий газ, электр ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш доимий назоратда турибди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# Касаба уюшмаси ва иш берувчи

*Тошкентда Халқаро меҳнат ташкилоти(ҲМТ)нинг минтақавий лойиҳаси доирасида касаба уюшмалари ва иш берувчи ташкилотларнинг икки томонлама маслаҳат-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, таълим олишига кўмаклашиш, болалар ва ўсмирларнинг корхоналарда малакали ҳамда қўшимча норасмий таълим олишига кенг имконият яратиб бериш масалалари юзасидан фикр алмашилди.*

*Маслаҳат-йиғилишда республика Савдо саноат-палатаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари, "Тадбиркор аёл", "Ҳунарманд" уюшмалари, тегишли тармоқ касаба уюшмалари, вояга етмаган ёшлар билан ишловчи ташкилотлар вакиллари иштирок этди.*

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



Повысьте эффективность работы всей команды в соответствии с требованиями Вашего бизнеса.
Используйте лазерные принтеры HP LaserJet со встроенным сетевым интерфейсом вместе с проверенными технологиями HP, которые повысят доступность и обеспечат высокую скорость печати, а также профессиональное качество документов для всей рабочей команды. Сделайте свой выбор из широкого модельного ряда сетевых лазерных принтеров HP LaserJet.

HP LASERJET 1020
- Скорость печати - до 14 стр/мин (A4)
- Выход первой страницы за 10 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
- Качество печати - 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes
- Порт Hi-Speed USB 2.0
- Нагрузка - до 5000 страниц в месяц
- Режим экономии тонера - до 50%


HP LASERJET 1022N/NW
- Скорость печати - до 18 стр/мин (A4)
- Выход первой страницы за 8 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
- Качество печати - 1200 x 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes и ProRes
- Поддержка HP PCL 5e
- Порт Hi-Speed USB 2.0
- Нагрузка - до 8000 страниц в месяц
- Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX в модели с индексом "n"
- Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX или средство для работы в беспроводных сетях стандарта 802.11b/g в модели с индексом "nw"
- Режим экономии тонера - до 50%


HP LASERJET 1320N/NW/TN
- Скорость печати - до 21 стр/мин (A4)
- Выход первой страницы - менее 8 секунд
- Качество печати 1200 x 1200 т/д
- Память 16 МБ, максимум 144 МБ
- Лоток подачи бумаги на 250 листов, лоток приоритетной подачи на 1 лист
- Параллельный порт, порт USB (совместим со спецификациями USB 2.0)
- Встроенный сервер печати HP Jetdirect для Fast Ethernet в моделях с индексом "n"
- Нагрузка до 10 000 страниц в месяц

Звоните сейчас, чтобы узнать больше!
Тел.: 132 26 62
www.hp.ru
hp invent
©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены.
2050H/2309

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)
1832H/2572

# Ижодий муваффақиятдан руҳланиб

*Мамлакатимизнинг кекса театрларидан бири — Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри ўтган йили томошабинлар ҳукмига 3 та янги асарни ҳавола қилган эди.*

*Бу ижодий муваффақиятдан руҳланган санъаткорлар яна янги асарлар устида қизғин иш бошлаб юбордилар. Яқин кунларда театрнинг ёш, иқтидорли бош режиссёри Феруз Тошхўжаев раҳбарлигида Ш. Маҳкамовнинг «Пардоз ашёси», О. Ҳокимовнинг «Эҳ, бу чоллар» деб номланган комедиялари ҳам саҳна юзини кўради.*

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ГРАНА» Алтай - Россия
МУКА в ассортименте КРУПЫ
Мы уже в Узбекистане
Мука в/с 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Мука 1сорт
Мука ржаная
Крупы гречневая, гороховая, перловая, ячневая, манная, геркулес
«ГРАНА» - это экологически чистый продукт гарантия качества и доброта России
Грана
ОПТОВАЯ ПРОДАЖА от 10 тонн
г. Ташкент ул. Архитекторов, 17
тел./факс 148-04-01
тел. 103-04-39, 343-52-38
E-mail: grana-altay@bk.ru
товар сертифицирован

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
2006 йил 10 февралдан республика ичида ташиладиган юкларга нисбатан, 10-01 прейскуранти ставкаларига пасайтирувчи 0,65 коэффициент қўлланилишини маълум қилади.
Тошкўмир, нефть, ўғит, дон маҳсулотлари ва пахта толасига эса пасайтирувчи 0,6 коэффициенти қўлланилади.
2042Я/102

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси конда хатардан қутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисмлари штаби жамоаси КХҚҲҚ бошлиғи Муроджон Абдибоевга волидаи муҳтарамаси
**СОЖИДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни 21.45 Топширилди — 22.00 12345